



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 2 март, шанба

• №17 (11.405)

• Эркин нарҳда сотилади

"МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ"

ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ



Алмати. 28 февраль. ЎЗА махсус мухбири **Анвар БОБОЕВ** хабар қилади.

Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи

билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий ҳафсизлик, Афғонистондаги вазият, ғайриқонуний муҳожирилик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар иқтисодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув захирала-

ридан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар "Марказий Осиё Ҳамкорлиги" ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Маълумки, бу катта ўзгаришга Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг декабрь ойида Тошкентда асос солинган эди. Алматида имзоланган ҳужжат Президентларнинг Тошкентда

қабул қилган Баёнотининг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, "Марказий Осиё Ҳамкорлиги" ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низом қабул қилинди. Ислоҳ Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

МДХ раҳбарлари саммити доирасидаги музокаралар эртага бўлиб ўтади.

Алмати. 1 март. ЎЗА махсус мухбири **Анвар БОБОЕВ** хабар қилади.

Бугун Қозоғистоннинг Алмати шаҳри яқинидаги "Чимбулок" соғломлаштириш мажмуида МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Очiq ва дўстона руҳда ўтган музокараларда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари Ҳамдўстликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрафлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, тақлиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир президент иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли "Чимбулок"да давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашди. Учрашувларда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан Ислоҳ Каримовнинг Алмати сафари ниҳоясига етди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: саммитдан лавҳа.

Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



ОЛМАЛИҚДА ЎТГАН ТАНЛОВ

Вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, хунармандчилик ва фермерликни ривожлантиришнинг янги намоишига айланиб кетди

Илгари хабар берганимиздек, Олмалиқдаги «Металлургия» маданият саройининг муҳташам биносига «Ташаббус-2002» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

У вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда эришилган ютуқларнинг яна бир намоишига айланди. Бу ерда ташкил этилган кўргазма буни яққол кўрсатди. Унда намоиш қилинаётган турли-туман оддий ва мураккаб маҳсулотлар хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги тажриба ҳамда маҳоратлари йил сайин ортиб бораётганлигидан далолат.

Ҳозирги вақтда вилоятимизда **(Давоми 2-бетда).**

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Зангиота туманида халқ таълими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг якунловчи босқичи ниҳоясига етди.

Унда ўқувчи ёшлар тарихимизга оид саволларга жавоб

бериб, бу борадаги билимларини намоиш этдилар. Қизгин мунозараларга сабаб бўлган бу мусобақада 33-ўрта мактабнинг «Турон» гуруҳи ўқувчилари голиб деб топилиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Дониёр АЛИМОВ.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Оҳангарон шаҳрида вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан «Сен Ватан ардоғидасан» шиори остида хайрия концерти ташкил қилинди.

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров, хушовоз хонандалар Рўзимат Мамажонов, Абдуқаҳҳор Зилоловлар кўшиқлар ижро этдилар.

— Хайрия тадбиридан тушган маблағ хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, фарзандларига берилади, — деди биз билан суҳбатда вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Меҳмонхўжа Собиров.

Муқаддас АЛИЕВА.

Бугунги сонда:

СУВНИ ҲОЗИРДАН ТЕЖАМОҚ ЗАРУР

Бунинг учун масъулиятни хис этиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бар-тараф этиш чораларини кўрмоқ зарур.

2-бет

ЭЪЗОЗЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Ниятимиз — ҳеч бир мўйсафид кексайганда бирор нарсага муҳтож бўлмасин, эртанги кунга ишонч билан яшасин.

3-бет

НАВБАТДАГИСИ АФИНАДА

АКШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳридаги кишки Олимпиада ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Энди спорт иштироблари 2004 йили Греция пойтахти — Афинада ўтказиладиган эзги Олимпияда ўйинларини кутадилар.

6-бет

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Кузатувчилар, нима бўлганда ҳам, Ар-Риёд ташаббуси Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича халқаро режанинг асоси бўлиши мумкин, деган тахминни айтмоқда.

7-бет

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ҳаммамизга битта тил берилган, унинг меvasи гоҳ аччиқ, гоҳ ширин бўлмасин, шу тилда гапирганимиз маъқул.

8-бет

Нихоят, деҳқон орзиқиб, энтиқиб кутган дам келди. Ўзбекистонга кўклам ташриф буюрди. Табиат уйғонмоқда. Замин бағрига илиқлик югура бошлади. Деҳқонлар қалбида орзиқиш. Улар учун экиш, яратиш билан боғлиқ хайрли ташвишлар бошланганди.

кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Буни кейинги йиллар тажрибаси ҳам яққол кўрсатмоқда. Яъни, агар мавжуд майда-йирик суғориш шаҳобчалари ҳар йили қанда қилмай тозалаб, тартибга келтириб турилмаса, сувнинг кўп қисми беҳуда исроф бўлади, экин майдонларига тўлиқ

Бугуннинг гапи

Янгийўл ва Оҳангарон туманларида ички зовурларни тозалаш учун механизмлар етарли сафарбар этилмаганди. Оқибатда режа эндигона 70-80 фоизга ууддаланди. Канал ва зовурларга экска-

СУВНИ ҲОЗИРДАН ТЕЖАМОҚ ЗАРУР

Бунинг учун унинг йўли равон бўлмоғи, ҳар томчисининг қадрига етмоқ керак.

Одатда, кўкламги экин-тикин ишларига тайёргарлик биринчи навбатда мавжуд ариқ-зовурларни тозалаб, сув равон оқадиган даражада тартибга келтириб қўйишдан бошланади. Хўш, вилотимиз туманларида бу борадаги аҳвол қандай? Дарвоқе, кейинги йилларда бутун республикада бўлганидек, бизнинг вилотимизда ҳам сув танқислиги сезилмоқда. Бу йил аҳвол қандай бўлади? Мавжуд омборларда меъёрдаги сув захираларини тўплаш имконияти борми?

Аслида, аниқ ҳисоб-китобларга мувофиқ, бу йилги суғориш мавсуми учун Тошкент омборида лойиҳада белгиланганидек, 250 миллион, Оҳангарон омборида 200 миллион, Чорбоғда эса 1,4-1,5 миллиард куб метр миқдорда сув захирасини тўплаш мўлжалланмоқда. Йиғиладиган бу сувлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларини бемалол таъминлаш учун етарли бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам юқоридаги рақамлар салмоғи деҳқонларимизни хотиржамликка ундайди, албатта. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, омборларимиздаги сув захиралари ҳар қанча мўл бўлмасин, ундан тежамкорлик билан, оқилона ва самарали фойдаланилмаса,

етиб бормайди. Шунинг учун ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилот ҳокимининг 2001-2002 йилги кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш тўғрисидаги қарорларида барча суғориш иншоотларини мавсумга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Бу муҳим вазифа қандай бажарилаётганини вилот миқёсида таҳлил этадиган бўлсак, аҳволни қониқарли, деб баҳолаш мумкин. Чунончи, жойларда яқоб суви бериш, хўжаликлараро ва ички каналларни тозалаш, гидротехник иншоотларни таъмирлаш, ички ариқларни механизмлар билан тозалаш режалари ортиги билан бажарилди. Бироқ хўжаликлараро зовурларни тозалаш, ички каналларга экскаваторлар солиш, мавжуд сув лотоклари ва насосларни таъмирлаш ишлари айрим туманларнинг тегишли ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари айби билан кечиктирилмоқда.

Масалан, хўжаликлараро зовурларни механизмлар билан тозалаш топшириғи Оққўрғон туманида 57, Бекобод туманида 59, Бўка туманида 61 фоиз бажарилди, холос. Хўжаликлардаги ички ариқларни механизмлар ёрдамида тозалаш ишларининг бориши Бўстонлик, Пскент ва Оҳангарон туманларида, айниқса, қониқарсиз. Бўстонлик, Пскент, Бекобод,

ватор солишда ҳам айрим туманларда ташвишли ҳол юзага келмоқда. Жумладан, Оққўрғон туманида режадаги 10та ўрнига 4та, Оҳангарон туманида 6та ўрнига 3та, Паркент туманида 6та ўрнига 4та экскаватор ишламоқда. Бундай суръат билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Вақт ўтиб бормоқда, чигит экиш мавсуми яқинлашяпти. Об-ҳаво шароити ва ернинг етилишига қараб, март ойининг сўнгги ўн кунлигиданоқ чигит экишга киришиш эртаки ва мўл ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири эканлиги ўтган мавсумда исботланди. Суғориш шаҳобчаларини тозалаш ва тартибга келтиришда сусткашликка йўл қўйиладиган туманларнинг мутасадди раҳбар ва мутахассислари вилотни орқага тортмаслик, ўзгаларга панд бермаслик учун бугунги кун масъулиятини ҳис этишлари, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўрмоқлари лозим. Энг муҳими ҳозир қилинажак ишлар эртага ҳар томчиси олтинга тенг сувни тежаб-тергаш, ундан самарали фойдаланишда катта замин эканлигини унутмайлик.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

КЕЛ, НАВРЎЗЖОН, ҚУЧОҚ ОЧИБ КЕЛ!

Халқимиз ҳар йили Наврўзни — янги куннинг бошланишини интиқлик билан кутади. Бунинг боиси бор, албатта. Шу кун яхши удумларимиз, анъаналаримиз янгидан жонланади, жило топади, бойийди. Тошкент туманида ҳам бу кун алоҳида мамнуният, масъулият ва хушнудлик билан нишонланади.

Энг аввало Наврўз кунини ҳар бир хўжалиқда, жамоада, ҳудудда мазмунли ва эсда қоладиган ўтишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга эрта киришилди. Туман хўжаликлариди, маҳаллаларда, муассаса, ташкилотларда бўлган киши унинг қанчалик яхши самара бераётганлигини кўриши мумкин. Энг асосий тантаналар эса, Наврўз кунини марказда бўлиб ўтади.

Туман ҳокимлиги рўпарасидаги очиқ майдон улкан саҳнага айланади. Туманнинг ўзидан етишиб чиққан спорт усталари, мактабларнинг ўқувчилари бу саҳнада ўзларининг чиқишлари билан маҳоратларини намойиш этадилар. Энг қизиқарлиси шунда бўладики, бу саҳнада шу кун Наврўзда ўтказиладиган халқимизнинг азалий удумлари кўпчилигининг кўз ўнгида ўз ижросини топади. Шунингдек, дошқозонларда пиширилган сумалаклар биринчи навбатда дастурхон тўрида ўтирган қарияларга тортилади. Уларнинг дуои-фотиҳаси олинади. Шу тариқа куй ва кўшиқлар янграйди. Тантаналар янада мазмунли тароват касб этади.



Кўчанинг чап тарафидидаги ҳар қирқ метр масофа бирон қишлоқ фуқаролар йиғини ихтиёрига бериб қўйилади. Фуқаро йиғини кенгаши бу ҳудудда дастурхон тузайди, савдо-сотик қилади. Наврўзга келганларни иззат-икром билан кутиб олади.

Қисқаси, Наврўз кунини бу ерда катта-кичик зўр шодумонлик билан байрамни нишонлайди, хурсандчилик қилади, яшаради, покланади, дилда янги орзулари туғён уради. Табиийки, улар янги куч, янги қувват, янги илҳом билан далаларга, боғларга, меҳнат қўйнига отланадилар, уларнинг бойлик яратиш йўлидаги илк қадамлари салмоқли, меҳнатлари эса, ғоятда баракали бўлади. Демакки, тошкентликлар, шаҳарликлар дастурхонини ҳар йилдагидан ҳам мўл-кўл нознеъматлар билан таъмин этишлари учун ҳаракат бошланади.

Н. ИСАЕВ.



ОЛМАЛИҚДА ЎТГАН ТАНЛОВ

2601 нафар тадбиркорлар, 4686 фермер ва 585 деҳқон хўжаликларини мавжуд. Уларда биргина ўтган йили 21 мингдан ортқ иш ўринлари ташкил этилди. Тадбиркор ва фермерларга 13 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ва микрокредитлар берилди. Кейинги йилларда мунтазам ўтказиладиган ва эндиликда яхши аънава бўлиб қолган «Ташаббус» кўрик-танловлари кичик ва ўрта бизнесни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлар ўртасида эркин рақобатни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

... Карнай-сурнай садолари

(Давоми. Боши 1-бетда).

эрта тонгдан баралла янграб, ҳаммани кўрик-танловга чорларди. Маданият саройи атрофи бир зумда гавжумлашиб кетди. Вилотимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларидан келган тадбиркорлар, фермерлар ҳамда хунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган, етиштирган маҳсулотларини танлов иштирокчилари ва ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола этидилар. Кўргазма чинакамга байрамга айланиб кетди. Унинг иштирокчилари ҳамкорлар топиб, улар билан шартномалар туздилар. Ўз маҳсулотларига янги харидорлар топдилар.

«Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўйича ўтказилган кўрик-танловда 23 нафар тадбиркор, фермерлардан 16 киши, 18 нафар хунарманд иштирок этди. Қизгин бахслар остида ўтган беллашувларда Янгийўл шаҳридаги «Зукко» масъулияти чекланган жамият раиси Лазокат Қайумова тадбиркорлар, Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари

Ботир Тўхтаниёзов эса фермерлар, ўртачирчилик хунарманд Башорат Нуруллаева ўз касбдошлари орасида ғолиб чиқдилар ва улар республика босқичида бўлиб ўтадиган танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Чирчилик «Лактам» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Анатолий Денисов, оҳангаронлик «Авазхон» фермер хўжалиги раҳбари Авазхон Азимов, олмалиқлик Қаҳрамон Рисқуловлар эса

иккинчи ўринни эгалладилар.

Учинчи ўрин эса, Паркент туманидаги «Дилноза» масъулияти чекланган савдо корхонаси раҳбари Шахло Эргашхўжаева, Юқоричирчиқ туманидаги «Нурмат ота» фермер хўжалиги раҳбари З. Нурматов, хунармандлардан чирчилик Реяна Умерова ҳамда юқоричирчиқлик Мазакир Абдурахмоновларга насиб этди. Танловда энг кекса, энг ёш ва энг яхши аёл тадбиркор учун совға-

лар таъсис этилган эди. Қибрай туманидаги «Абдуқаҳҳор» фермер хўжалиги раҳбари Гулбахор Атаматова энг яхши тадбиркор аёл деб топилди. Оҳангарон туманидаги «Ақром ширмой-нон» хусусий нон заводи фирмаси раҳбари Ақром Хўшназаров энг кекса тадбиркор, пскентлик 18 ёшли хунарманд Шерзод Зокиров эса, танловнинг энг ёш хунарманди номини олдилар.

Танлов ғолибларига ва барча иштирокчиларига ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар ва ҳаваскорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади. Биз ўз навбатида танловнинг республика босқичига йўлланма олган ғолибларга омад тилаб қоламиз.

Кўрик-танловда вилот ҳокими Умнат Мирзақулов қатнашди.

Ақбар АЛЛАМУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) кўрик-танловдан лавҳа; (чапдан) «Энг яхши хунарманд» йўналиши I-ўрин соҳибаси Башорат Нуруллаева, «Энг яхши фермер» Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Ботир Тўхтаниёзов ҳамда «Энг яхши тадбиркор» йўналиши I-ўрин соҳибаси янгийўллик Лазокат Қайумова.

Даврон АХМАД олган суратлар.





ЭЪТИРОМ

ҲАМИША САФДАМИЗ

**Мамат Турсуналиев,
Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш
«Нуроний» жамғармаси Олмалиқ шаҳар бўлимнинг
раиси**

– Бугун Олмалиқни Қалмоққир конисиз, тоғ-тоғ маъданлардан олтин, мис ва бошқа ноёб металллар ажратиб олаётган, деҳқонларимизга юқори самарали минерал ўғитлар етказиб бераётган корхоналарсиз тасаввур қилиш қийин. Мустақиллик йилларида шаҳримизда хориж сармоялари аралашган қўшма ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлди, кичик ва ўрта бизнес ривож топди.

Корхоналарнинг молия-иқтисодий аҳволи яхшиланиб бораётганлиги бир қатор ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун ишончли асос яратаяпти. Шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланган «Ғамхўрлик», «Қарияларни қадрлаш йили» дастурлари шулар жумласидандир. Улар фахрийларнинг барча қатламлари ижтимоий муҳофазасини яхшилашни, турмуш даражасини кўтаришни ўз ичига олади.

Бу ишларнинг амалдаги мужассамини, хусусан, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўз фахрийларига муносабатиди яққол кўриш мумкин. Аввало, бу ерда узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан меҳнат фахрийлари ой сайин бир ойлик энг кам маош миқдориди қўшимча «корхона пенсияси» олиб туришади. Улар коммунал хизматлар учун тўловлардан озод. Қарияларни даволаш ва соғломлаштириш корхона тиббиёт муассасалари ва санаторийси орқали бепул амалга оширилади.

Меҳнат фахрийлари яшаб турган уйлар йилда бир марта корхона соловчилари томонидан таъмирлаб берилади. Ҳар бир пенсионер бугун цехларда ишлаб турган кимёгарлар қаторида озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа маиший буюмлар билан таъминланмоқда.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик турдаги акциядорлик жамияти жамоасининг фахрийларига илиқ муносабатини кўрсатувчи мисоллар ҳам кўп. Тиббиёт муассасалари, кундузги пансионат, санаторий-профилакторийда қарияларни ардоқлаб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади.

Мана шу ғамхўрликларга жавобан фахрийларимиз ҳамон ижтимоий ҳаётда фаол қатнашмоқдалар. Шуни айтиш кифояки, фахрийларимиз 21 маҳалла кўмитасига бевосита раҳбарлик қилмоқдалар. Шаҳардаги 42 маҳалланинг ҳаммасида фахрийларнинг бошланғич ташкилоти, жа-

моатчилик маркази қизгин оммавий-тарбиявий иш олиб бораётир. Катта ҳаёт таҳрибасига эга қарияларимиз ёшларни Ватанга муҳаббат, азалий урф-одатлари, анъаналар, қадриятларга садоқат, миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялашда алоҳида ғайрат кўрсатишапти. Улар халқ сайллари, байрамлар, кўрик-танловлар, учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиб, жамоат ишларида бошқош бўлишапти.

«Қарияларни қадрлаш йили» ҳаётимизни, ишларимизни янги мазмун билан бойитди. Ҳар куни бирор тадбир. Шаҳар кенгашимиз раёсати ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш бўлимлари, марказий дорихона мудирларининг фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш давлат дастурлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётганлигига доир ҳисоботларини тинглаб боришни анъанага айлантирди. Одатда бундай муҳокамалар ҳақиқий аҳволни, фахрийларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга асосланади. Натижада кутилган самарага эришилаётир.

Ниятимиз – ҳеч бир мўйсафид кексайганда бирор нарсага муҳтож бўлмасин, эртанги кунга ишонч билан яшасин. Умумэтибор, умумэтиром ҳамиша барқарорлиги дуоғўй, оқил ва оқила фахрийларимиз бахтидир.



Халқимиз: «Қариси бор уйнинг париси бор», – дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Ислом КАРИМОВ.

УЛАР ЭЪЗОЗДА

**Жонсаид Турдиев,
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик
турдаги акциядорлик жамияти экскаватор
машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони**

– Қачонки, катта давраларда одамлар билан учрашганда уларнинг гап-сўзларини, фикр-мулоҳазаларини тинглаб туриб, шириннинг ёд бўлиб қолган шеърининг бир мисрасини эслаيمان: «Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор, ҳар фаслнинг – ўз фазилати».

Бугунги кунларимизнинг фазилати шундаки, кексаларга ғамхўрлик давлат сиёсати, бутун жамиятнинг вазифаси даражасига кўтарилди. Жорий йилимиз қарияларни қадрлаш йили бўлганлиги бунинг ёрқин далили.

Комбинатимизда конлар, фабрика ва заводлар, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган кишилар оз эмас. Бугун улар иззат-эҳтиромда. Кундузги пансионатда ҳар куни якка-ёлғиз 100 кишига хизмат кўрсатилади. Санаториймиз кекса ишчиларни имтиёзли дам олдириб, соғломлаштираётир. Қарияларнинг уйлари таъмирлаб берилаяпти. Улар қандай ёрдамга эҳтиёж сезишса, корхонамиз шай бўлиб турибди. Ахир, шу эмасми мустақиллик фаслининг неъматлари!

- Бугун Олмалиқда 18 мингдан ортиқ фахрийлар яшашмоқда.
- 76 пенсионерга бевосита уйларида хизмат кўрсатилаётир.
- Кейинги йилларда шаҳар корхоналарининг уч санаторий-профилакторийсида 1350 уруш ва меҳнат фахрийси дам олдирилиб, соғломлаштирилди.
- Шаҳарда фахрийларнинг 51 жамоатчилик маркази фаолият кўрсатмоқда.

ЁШЛАР ҚАНОТИМИЗ

**Шерали Бойназаров,
Олмалиқсой маҳалласи фуқаролар йиғини раиси**

– Маҳалламизда асосан Олмалиқ шаҳрини бунёд этган дастлабки қурувчилар, уларнинг фарзандлари яшашади. Йигирмадан ортиқ миллат вакиллари орасида довруқли, обрў-эътиборли қариялар оз эмас.

Қарияларни қадрлаш йили ҳаммамизни руҳлантириб, кекса кўнгилларимизда мамнуият туйғусини кучайтириб юборди. Шу кунларда Наврўз байрамини нишонлашга тайёрланаяпмиз. Маҳалла гузарини ободонлаштириб қариялар чой-хонаси, тўйхона, кураш майдони қуряпмиз.

Худудимиздаги кексалиқда ўзгаларнинг меҳр-оқибатига

муҳтож бўлиб қолган 80 мўйсафидга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Бу ишларни ташкил этишга Абдусайд Турғунбоев, Ҳамза Худоев, Зулфиниса Бурхонова каби фаолларимиз бошқош.

Муносиб ўринбосарларни – баркамол йигит-қизларни тарбиялаш-қарияларимизнинг эзгу мақсади. Авлодлар учрашувлари, давра суҳбатлари ташкил этапмиз. Ёшлар кўпни кўрган отахон ва онахонларнинг халқимизнинг азалий урф-одатлари, маросимлари ҳақидаги суҳбатларини мароқ билан тинглашади. Болалар ўйингоҳи ҳамиша гавжум. Одилхон Абулқосимов, Тўлқин Бурхонов, Раъно Мирзараимовалар ташкил этадиган мусобақалар, билимдонлик, зукколик танловларида каттаю кичик қатнашади.

Авлодлар уйғунлиги мамлакат равнақида асос яратади. Бу маҳаллада яққолроқ намоён бўлади. Олмалиқсой маҳалласи гуллаб-яшнамоқда, шаҳримизнинг кўнгилли бир гулшан қисмига айланиб бормоқда. Қарияларимизнинг шахсий ибрати, таъсирчан ҳикоялари, фойдали панд-насихатлари бу жараёнга алоҳида маъно ва мазмун бағишлаётир.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

**Зинаида Белинская,
уруш фахрийси**

– Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсдим. Шу ердан урушга отланиб, ғалабадан кейин яна шу азиз диёрга қайтиб келдим. Олмалиқ менинг кўз ўнгимда, мен каби минг-минг эр-аёл меҳнатчиларнинг ғайрат-шижоатимиз билан бунёд этилди. Кейин ўн етти йил «Аммофос»да ишладим. Мана энди ўша меҳнатларимнинг роҳатини кўриб яшайман.

Олмалиқ кимёгарлари Ф.Муслимов, Е. Одмирова, Л.Фирин, У. Маматқулов сингари уруш қатнашчилари корхонамизда юқори унум билан меҳнат қилишган йилларни яхши эслашади. Дўстлик, қардошлик туйғулари, Ватан қудратига қудрат қўшиш иштиёқи ҳамон уларнинг ғайрат-ташаббусини жўштиради.

Шаҳримиз корхона ва ташкилотларида руслар, украинлар, татарлар, қозоқ, қирғиз ва тожиклар – ўнлаб миллат фарзандлари меҳнат қилишади. Ўзбек халқининг кексаларини ардоқлаш фазилати ҳаммамиз учун қадрли бўлиб қолган. Ҳар ким ўз она тилида бир гапни алоҳида ифтихор билан қайта-қайта такрорлайди:

– Ўзбекистон – умумий уйимиз, уни ҳаммамиз ардоқлаймиз!

**Материалларни «Тошкент
ҳақиқати» муҳбири
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
тайёрлади.**

DUSHANBA

4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Туртинчи ҳокимият».
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хўжамкул ва унинг шогирдлари». Премьера.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Нозигойим». Бадий фильм.
11.30 ТВ метео.
11.35 «Рангин дунё».
11.55, 14.40, 15.45 ТВ анонс.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ

чолгулари оркестрининг концерти.
12.35 «Олам». Телеальманах.
13.10 Муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Олтин тож». Телевизион уйин.
14.45 «Кутлуг қадам». «Мулоқот». Қисқа метражли бадий фильм.
15.50 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
16.05 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
17.05 ТВ клип.
17.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.35 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.10 «Созим менинг». Р. Қосимов. 1-қисм.
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
1-кўрсатув.
21.20 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.45 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

Спорт дастури:
22.15 «Спорт, спорт, спорт».
22.30 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.55 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 72-қисм.
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
Профилактика мувосабати билан душанба 4 март кунини «Ёшлар телеканали

кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади.
15.00 Кўрсатувлар дастури.
15.05 «Давр ҳафта ичида».
15.35 «Алвон ёлканлар» Бадий фильм.
17.00 Спорт ҳафтано-маси.
17.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон маслаҳати.
17.45 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 33-қисм.
18.10 Ўзбегим кураши.
18.30 Оқшом навалари.
18.40 Тафаккур ёлқинлари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Илдизлар ва япроқлар». Суйима Фаниева.
20.00 Ёшлик навалари.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
20.50, 21.20, 22.30

Эълонлар.
20.55 «Эсмералда». Телесериал.
21.25 Ҳозирги замон ўзбек шеъриятдан. Гулжамол Асқарова.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танафус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экранни. «Бадди».
18.30, 20.00, 21.20, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамisha Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 26-қисм.

19.35, 21.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.35 «Муסיқий меҳмонхона».
22.35 Кинонигоҳ. «Муҳим воқеа».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканали
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Навбатдаги». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 М. Евдокимов хузурида меҳмонда.
18.55 «Мени кутгил».
20.00 «Халқ қарши». Телеуйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «ТВ-4да Немис тўлкини».
22.40 Кинематограф.

«Кечиккан умидлар». Бадий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

16.55 га қадар профиллактика.
17.00 Дастурнинг очилиши.
17.05 «30-канал» да хужжатли кино. «Одам ва денгиз».
17.45, 20.35 - «Телеҳамкор».
18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Миллион етишмайди». Комедия.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». «Одам ва денгиз».
21.20 «Ошиқона». Муסיқий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Еввойилик». Детектив.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

SESHANBA

5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон маркаси».
9.05, 10.25 ТВ-метео.
9.10 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.30 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадий фильм.
11.50 Биржа ва банк хабарлари.
12.05 «Париси бор уй».
«Спорт» дастури:
12.35 «Спорт, спорт, спорт».
12.50 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.15 «23,5 даражали

бурчак остида».
Телесериал. 72-қисм.
13.40 «Қишлоқ ҳаёти».
14.10, 15.55 ТВ анонс.
14.15 Кундузги сеанс: «Плюшчиҳадаги «Уч терак» қаҳвахонаси». Бадий фильм.
15.30 Ўзбекистон халқ артистлари.
16.00 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
16.50 ТВ клип.
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Созим менинг». Р. Қосимов. 2-қисм.
18.30 «Баркамол авлод орзуси».
18.50 «Инсон ва қонун».
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
2-кўрсатув.
21.20 Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «Парламент вақти».
22.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.35 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.00 «Мувозанат».
23.30 «Ахборот - дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон маслаҳати.
9.45 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 33-қисм.
10.10 Бизнес - академия.
10.25 «Эсмералда». Телесериал.
10.50 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
11.10 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
12.00 «Юрт посбони». Эл-юрт тинчлигини сақлаш пайтида халқ бўлган Ички Ишлар

қўшинлари ҳарбий хизматчилари хотирасига бағишланган хайрия концерти.
12.40 Ёшлар овози.
13.00 Интерфутбол.
14.40 Мультифильм.
14.50 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
15.05 Автосалтанат.
15.20 Ўзбегим кураши.
15.40 «Ошиқ гариб». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.20 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 34-қисм.
17.45 Таянч.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Оқшом навалари.
18.35 Автотурал.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Муסיқий лаҳзалар.
20.05 Сифат белгиси.
20.10 Марду майдон.
20.30 Ёшлар овози.
20.50, 21.20, 22.30 Эълонлар.

20.55 «Эсмералда». Телесериал.
21.25 Хандалак.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-24.00 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Жуманжи». Мультфильм. 7-қисм.
18.30, 20.00, 21.30, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамisha Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 27-қисм.
19.35, 21.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Интерспорт».
20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.20 «Муסיқий лаҳзалар».

21.45 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.35 Кинонигоҳ.
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканали
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Навбатдаги». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 Е. Петросянинннг Кулги панорамаси.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўгин». Шоу уйини.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «ART» каталог.
22.40 Кинематограф. «Буч Кессиди ва Санденс Кид». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».
9.30, 14.15 - Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Жанговор санъат олами». Хужжатли фильм.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Киролита Марго». 1-серия.
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал. «Гонконглик чўқинтирган ота».
16.50 «Футурама». Мультсериал.
17.15 «30-канал» да хужжатли кино. «Таймслот». Хужжатли сериал.
18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Максимал жадаллик».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Муסיқий дастур
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уйкудаги чуқурлик».
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

CHORSHANBA

6

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 Эстрада тароналари.
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
9.40 «Парламент вақти».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Қишлоқ ҳақида уйлар».
10.45 «Рикки-Тикки Тави». Бадий фильм.
12.05 «Йиллар ва йўллар».
12.30 Болалар учун. «Кичкинтойимиз-гизингтойимиз».
12.50 «Тафсилот».
13.05 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.

13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30, 15.45 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: «Ганг дарёсининг кизи». Бадий фильм.
15.50 «Инсон ва қонун».
16.10 ТВ клип.
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.50 УЗТВ хазинасидан: «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 1-қисм.
18.10 «Болалиқнинг мовий осмони».
18.30 «Ватан мадҳи».
18.50 «Аёл дунёни тебрата».
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Тиббиёт одимлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».

3-кўрсатув.
21.20 «Нафосат гулшани».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.10 Ўзбекистон каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.40 «ТВ-клуб».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 34-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Муסיқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмералда». Телесериал.
10.50 Таянч.
11.05 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
11.55 Жар ёқасида.
12.10 Болалар экранни. «Олтин оху».
12.40 Ёшлар овози.
13.00 «Индинги кун

жадвали». Бадий фильм.
14.20 Ватан манзаралари.
14.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.05 Автотурал.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: Олтин калит, Боланинг тили.
17.00 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 35 қисм.
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.15 Масьулият.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Муҳаббат қўшиқлари.
20.45, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.50 «Эсмералда». Телесериал.

21.20 XX аср шеъриятдан. Зулфия.
21.25 Чемпион сирлари.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танафус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Жуманжи». Мультфильм. 8-қисм.
18.30, 20.00, 21.30, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамisha Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 28-қисм.
19.35, 21.05, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Дурдона».
20.20 ТТВда сериал:

«Бибилиска пул».
21.20 «Жозиб».
21.45 «Янги иқтисод». Бевоисита мулоқот.
22.25 «Камолот фасли».
23.25 Кинонигоҳ.
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканали
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Навбатдаги». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 Машхурлар. Екатерина Семенова.
18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Халқ қарши». Телеуйини.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Рус мўъжизаси». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».
9.30, 14.15 - Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Яхши кайфият». Муסיқий-дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Киролита Марго». 10-серия.
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал. «Сўнгги самурай». Жангари.
16.50 «Футурама». Мультсериал.
17.15 «Ноу-хау-шоу». Маърифий дастур.
18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тан алмашуви».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Муסיқий дастур.
21.30 Хинд киноси. «Мен сен учун кимман?». Мелодрама.

PAYSHANBA

7

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бибихоним».
«Зардўзалар».
9.15, 12.30 ТВ метео.
9.20 «ТВ -клуб».

9.45 «Аёл дунёни тебрата».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Кўк қуш». Бадий фильм.
11.40 «Мулк».
12.05 «Туғилган кун». Теленовелла.
12.35 «Нафосат гулшани».
13.10 «Ошин». Телесериал.
13.40 «Спорт, спорт,

спорт».
13.55, 14.45 ТВ анонс.
14.10 Кундузги сеанс: «Оналар ва қизлар». Бадий фильм.
15.50 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
16.10 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
16.40 УЗТВ хазинасидан: «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 2-қисм.
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва

қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Хотин -қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
22.35 «Рухият манзаралари». Байрам

дастури.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35 «Аёл таровати». Бадий фильм. 1-қисм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Олтин калит, Боланинг тили.
9.45 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 35 қисм.

10.10 Муסיқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмералда». Телесериал.
10.45 Спорт китъаси.
11.15 Сенинг вақтинг.
11.35 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
12.25 Хайрат.
12.45 Интерфутбол.
14.25 Сифат белгиси.
14.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 Сийрат.
15.35 «Икки дил достони». Бадий фильм.
17.10 Кўрсатувлар

дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Катта танафус.
17.40 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 36-қисм.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Мезон.

20.15 «Тарона-2002». Мусикий дастур.
21.15, 21.45, 22.30 Эълонлар.
21.20 «Эсмералда». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот

дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 9-қисм.
18.30, 20.00, 21.30, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмас-

лар». Хужжатли фильм. 29-қисм.
19.35, 21.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.20 «Эхтиром ила».
21.45 «Келажакка интилиб».
22.15 «Меҳри дарё онагинан».
22.30 «Долзарб мавзу».
23.00 Кинонигоҳ. «Бобби». 1-қисм.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Навбатдаги». Сериал.
18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.30 Болалар учун. «Билишни истаيمان» кўрсатуви.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.00 «Время».

21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «6х9». Шоу дастур.
23.00 Кинематограф. «Сунгги ташхис». Бадий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида).
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 - «Телехамкор».
9.30, 14.15 - Болалар

соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Яшси кайфият». Мусикий-дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Ҳақиқий эркаклар учун тестлар».
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги киносеанс. «Ииртқишлар». Триллер.
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.15 Кино, кино, кино.

18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Менинг эрим бўлинг». Комедия.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Мусикий-дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Понтлар». Жангари.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

JUMA

8

«Ўзбекистон» телеканал
Хотин-қизлар кўни
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Баҳор».
9.05 «Онажон номинг дилимда». Мусикий композиция.
9.35, 12.15 ТВ метео.
9.40 Байрам табриги.
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хаёл».
10.00 Хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
11.30 «Спортмиз маликалари».
11.50 «Аёл, гул, гўзаллик». Бадий-мусикий дастур.
12.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.

12.40 «Малика ва етти баходир ҳақида эртақ». Мультфильм.
13.10 Байрам табриги.
13.20 «Куйла, ёшлигим».
13.50 ТВ-1 кинотеатри: «Тоғлик кўёв». Бадий фильм. 1-2-қисмлар.
15.25 Байрам табриги.
15.35 «Моҳият».
15.55 ТВ клип.
16.05 «Онанг, ўргилсин болам». Театрлаштирилган томоша.
16.45 Байрам табриги.
16.55 «Сехрли оху». Мультфильм.
17.10 Болалар учун. «Санъат гўнаҳлари».
17.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». Байрам сони.
18.05 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хушвақт бўлинг». Байрам дастури.
22.00 «Сизга таъзим». Шеърли композиция.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30 «Аёл таровати». Бадий фильм. 2-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.25 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 36-қисм.
9.50 Аёл қалби наволари.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Эсмералда». Телесериал.
10.40 Мезон.

11.00 «Ёқимтой шаҳзода». Бадий фильм.
12.30 Ешлар овози.
12.50 Интерфутбол.
14.30 ХХ аср шеърятдан Зулфия.
14.35 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадий фильм.
15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». «Кичкинтой театри».
16.30 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 37-қисм.
16.55 Обид-шоу.
17.35 Оила тилсими.
18.00 Ешлар овози.
18.20 Аср кифаси.
18.40 Аёл қалби наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Азизим.
19.55 «Улугимсан, Ватаним». Севара Назархон куйлайди.
20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.
21.00 «Эсмералда». Телесериал.

21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Жараён.
23.05 «Давр». Ахборот дастури.
23.25 «Ешлар» телеканалда премьераси: «Вафо». Бадий фильм.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 «Умид юлдузлари».
18.30, 20.00, 22.00, 22.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.15 «О, муҳаббат...» Байрам ҳазили.
19.45 «Фаровонлик бекати».
20.20, 21.20, 22.55 «Экспресс» телегазетаси.
20.35 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.35 «Нима учун?»

22.15 «Хонадонингиз осойишта бўлсин». Ток-шоу.
23.15 Кинонигоҳ. «Бобби». 2-қисм.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.45 «Дурдаршан».
17.15 «Эхтиром ила».
17.40 «Подийум».
18.15 «Мўъжизалар майдони». Байрам сони.
19.20 «Суюкли ёрлар учун кўшиқ». Байрам концерти.
21.00 «Время».
21.30 «Суюкли ёрлар учун кўшиқ». Байрам концерти (давоми)
23.25 «Оҳанрабо». Мусикий дастур.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг

очилиши.
9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».
9.30 Киноконцерт.
10.05 «Аёлларни асранг». Мелодрама.
12.10, 17.00 Мультфильмлар.
13.40 «Гўзал хонимлар учун». Комедия!
15.00 «Симпсонлар». Мультсериал.
15.30 «Уйланган бўйдоқ». Спорт дастури.
17.10 Мусикий дастур.
18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Гап-шадиган гап бор». Мелодрама.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Мусикий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Сен менинг ягонамансан». Мелодрама.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Мусикий дастур.

SHANBA

9

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хонобод».
9.00, 11.25 ТВ метео.
9.05 «Хидоят сари».
9.25 «Тафсилот».
9.45 «Баҳоримсиз, онажон».
10.05 «Маърифат». Телеальманах.
10.25, 13.55 ТВ анонс.
10.30 «Хушвақт бўлинг!» Байрам дастури.
11.30 «Фарзанд - умид юлдузи».
12.00 «Қирол шер». Мультфильм.
13.30 Байрамнинг муборақ! Теленовелла.
14.00 «Дунё эшикларини очилди бизга».
14.20 ТВ-1 кинотеатри: «Табиб». Бадий

фильм. 1-қисм.
15.25 «Кувнок шаҳарча». Телевизион ўйин.
15.50 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
16.25 «Ягона оилада».
16.55 «Табиб». Бадий фильм. 2-қисм.
17.55 «Рангин дунё».
18.15 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
18.35 «Кредит: муаммо ва ечимлар».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Кишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз» 4-курсатув.
21.20 «Шанба оқшомида».
21.50 «Соғлом она - соғлом бола».

«Тунги ёғду» Дам олиш кинодастури.
22.10 «ТВ альманах».
22.35 «Ахборот-дайжест».
22.55 «Ўзбекистон» каналда биринчи марта. «Бирни кўриб шукур қил». Бадий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Спорт майдончаси, Кичкинтой театри.
9.30 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 37-қисм.
9.55 Табобат оламида.
10.15 «Эсмералда». Телесериал.
10.40 Ешлар овози.
11.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг кироллари.
12.00 Ешлик кўшиқлари.
12.15 «Полиция комиссари» Телесериал.
13.05 Азизим.
13.30 «Эх, менинг гўр ёшлигим». Бадий фильм.

15.00 Юлдузлар чехраси.
15.30 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.
16.10 Оила тилсими.
16.35 «Рамаяна». Телесериал.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Келинг танишайлик.
17.35 Бола тилидан.
18.05 Футбол плюс.
18.25 Кинотақдим.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Каталог.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Аёл қалби наволари.
20.10 Ешлар овози.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.30 Кутилмаган меҳмон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Ватан ҳақида кўшиқ.
22.40 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
23.25 «Клеопатра».

Бадий фильм. 1, 2-қисмлар.
00.55-1.00 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Мультчархпалак.
17.40 Болажонлар экрани. «Покемон».
19.10 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
19.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.20, 21.30, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
20.35 ТТВда мусика.
20.45 «Жаҳон географияси».
21.45 «Саломатлик маскани».
22.00 «Мисли гавҳар».
22.30 «Ташриф».
22.50 Кинонигоҳ.
«Катта».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Мультсеанс».
9.25 «Дурдаршан».
9.50 «Эхтиром ила»
10.10 «Ҳамма уйдалигида».

10.50 «CFI янгиликлари».
11.00 Инглиз тили Сиз учун».
11.25 Кундузги сеанс: «Юлдуз талаб қилинди». Бадий фильм.
12.50 Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Умид», «Чинсан».
13.50-14.20 «Немис тили».
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
17.55 «Мюзик холл».
18.10 Е. Петросян, Е. Степаненко, Е. Шифрин, Н. Басков, Ф. Киркоров ва бошқалар ҳажвий дастурида.
21.00 «Время».
21.30 «7дан 70 гача».
22.05 «Хижоя».
22.25 «Австроада».
22.40 «Буржлар башорати». Байрам сони.
23.40 Кинонинг олтин асри: «Уйирланган». Бадий фильм.
1.10 Ахборот (рус тилида)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.30 - «Телехамкор».
9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.00 Фильм-болаларга. «Вероника».
11.30 «Алекс Макнинг сирли олами». Сериал.
12.00 Оилавий кино. «Наполеон».
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Хинд киноси. «Хаёлларинг маликаси». Мелодрама.
16.40 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур.
17.00 «Уз ўйини».
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Амазония». Комедия.
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «30-канал» да детектив соати.
21.45 «30-канал» кинооқшоми: «Юлдузли пивдалар». Фантастика.
23.30 Мусикий хит-парад.

YAKSHANBA

10

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастури.
9.10, 11.55 ТВ метео.
9.15 «Фаройибот».
9.30 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртақ». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Кувнок старлар». Телемусобақа.
12.00 «Пазандалик сирлари».
12.10 «Цирк, цирк, цирк».
12.30 «Қўҳна замин оҳанглари».
12.50 Телевизион миниатюралар театри.
13.25 ТВ анонс.
13.30 ТВ-1 кинотеатри: «Тати Даниэл». Бадий фильм.
15.15 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.

15.50 «Муҳофаза».
16.05 «Сиз бўлсиз». Интеллектуал шоу.
16.30 ТВ-клип.
16.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.35 «Қалб гавҳари».
17.55 «Талабалик йилларим».
18.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Туртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Куйла, ёшлигим».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.45 Футбол бўйича Ўзбекистон кубогини «Дўстлик» - «Пахтакор».
Якшанба кинозали:
22.30 «Кино оламида».
22.50 «Оқ тошлар». Бадий фильм.

00.25-00.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Келинг танишайлик.
9.20 Футбол плюс.
9.40 Давр-интервью.
9.55 Ешлар овози.
10.15 Мусикий лаҳзалар.
10.25 Чемпион сирлари.
10.45 Зинама-зина.
11.15 «Ешлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон.
2. Аскар мактублари.
11.55 Очил дастурхон.
12.10 Қорақалпоқ оҳанглари.
12.30 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.20 Футбол-2002.
14.05 ТВ-анонс.
14.10 «Армонли дунё». Бадий фильм.
15.40 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.00 Спорт ҳафтано-маси.
16.15 «Рамаяна». Телесериал.
16.50 Кўрсатувлар

дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси.
17.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.05 Очун.
18.30 Якшанбада кўришгунча.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 «Синфдош».
19.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Абдуллаева куйлайди.
20.10, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.15 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.10 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта мчиди».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Клеопатра». Бадий фильм. 3, 4-қисмлар.
00.15-00.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00 «Спорт-тайм».

19.20 «Телефакт».
19.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
20.00, 20.45, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «ТВ плюс».
21.00 «Жаҳон географияси».
22.00 «Радиус 21».
22.20 Кинонигоҳ. «Америкалик кўзим».
23.45-23.50 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган кайдлари».
10.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий курсатув.
11.10 «Кутқарувчилар. Тезкор ёрдам».
11.40 Болалар соати: «Оқуш малика». Бадий фильм. 2-қисм.
12.55 «Парле ву франсэ?»
13.20 FCN-Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

13.30 «До-ми-соль шоу». Болалар учун курсатув.
14.30 «Ўзимиз ҳақимизда ўзимиз».
14.45-15.45 «Дўстлик» видеоканал: «Рангинкамон», «Дидар».
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Лего-Ленд». Болалар учун шоу дастури.
17.35 «Хайлпарастлар». Ҳажвий дастур.
17.50 CF1 тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
18.15 «Ким миллионер бўлишни истайдиган?» Телеўйин.
19.05 «Ўз-ўзига режиссёр».
19.45 «Тенгдошлар».
20.15 «Нигох».
20.35 «Қимга-қанақа».
21.00 «7 кун». Ҳафта якуналари.
21.25 «Ассалом Франция».
21.40 «Кинопрофи».
22.00 Кинематограф. «Лос-Анжелес бўйлаб». Бадий фильм.
23.35 «Тахлилнома».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 - «Телехамкор».
9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.00 Болалар учун фильм. «Вероника қайтмоқда».
12.00 Оилавий кино: «Сизни Никонорова кутмоқда». Комедия.
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Кундузги кинозал. «Ҳаётдан ҳам афзал». Комедия.
16.10 «30-канал» да қизиқарли учрашувлар. «К. Орбакайте».
17.00 «Уз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «6 кун 7 тун».
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «30-канал» да детектив соати.
21.45 «30-канал» да якшанба кинооқшоми. «Чўқинтирган ота».

Sport

Sport

Sport

«МУАЙ-ТАЙ» ЖАНГОВОР САНЪАТИ

Республика Миллий матбуот марказида «муай-тай» мураббийлари ҳамда мусобақа қатнашчилари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.



«Муай-тай» гиёҳвандлик, жиноятчилик ва терроризмга қарши» шиори остида мусобақа ўтказганимиз бежиз эмас, — деди федерация бош мураббийси Замирбек Қосимбеков.

— Кейинги пайтда ёшлар орасида гиёҳвандликка ружу қўйиш кўпайиб бормоқда. Ёшларни жисмонан соғлом, маънавий баркамол бўлиб етиштириш борасида федерациямиз қатор ишларни амалга оширмоқда. Мамлакатимизда йигирма мингдан зиёд ёшлар «муай-тай» билан шуғулланиб келмоқда. Фе-

дерациямиз ёшларга ушбу спорт тури сирларини ўргатиш билан кифояланмай, уларнинг тарбиясини ҳам назорат қилиб боради.

З.Қосимбековнинг таъкидлашича, ҳозиргача мамлакатимизнинг тўртта вилоятида «муай-тай» клублари мавжуд бўлса, эндиликда бошқа вилоятларда ҳам «муай-тай» йўналишида ишлар олиб борилмоқда. Бу ўз мевасини берапти. Хусусан спортчиларимизнинг жаҳон чемпионатида иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида иккинчиликни қўлга киритгани бунинг яққол далилидир.

«Туркистон-пресс».



Ангрен бокс мактабининг мамлакатда ўзига яраша ўрни бор. Бокс саройида ёшларнинг мунтазам машқ ўтказиб, ўз маҳоратларини ошириб боришлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Бу ерда 10 ёшдан 27 ёшгача бўлган 250 нафарга яқин ҳаваскор саккизта гуруҳда шуғулланади. Улар орасидан кўпга уста боксчилар етишиб чиққан. Сиз ушбу суратда кўриб турган Алишер Ганиев нафақат Ўзбекистон, балки Урта Осиё чемпиони унвони ҳам сазовор бўлган маҳоратли боксчилардан.

Даврон АХМАД олган сурат.

ЯПОНИЯДА ПРОФЕССИОНАЛЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Япония профессионал футбол лигаси — «Жей-лига» мамлакатдаги етти та футбол клуби қошида ёш футболчилар тайёрлайдиган спорт мактаблари очиш ҳақида қарор қабул қилди. 1993 йилда ташкил этилган лига раҳбарияти ана шундай чора-тадбирлар ёрдамида профессионал футболчилар тайёрлаш сифатини кўтармоқчи.

— Бундай спорт мактаблари дастлаб етти клуб қошида очилади, — дейди «Жей-лига» раиси Сабуро Кавабути. — Лекин, бу тизим ҳали 28 та клубга ҳам қўлланади. Айни пайтда Японияда ҳозирги футболчиларга муносиб ўринбосарлар тайёрлашга киришилмаса, бу 10 йилдан кейин япон футболнинг ривожига салбий таъсир этиши мумкин.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚАЛАЙ, АФИНА?

АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳридаги қишки Олимпиада ўйинлари ниҳоясига етди. Энди спорт иштирокчилари 2004 йили Греция пойтахти — Афинада ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларини кутадилар.

— Греция Олимпияда ўйинларини қабул қилишга пухта тайёргарлик кўряпти, — дейди ташкилий қўмитани президенти Иоанна Ангелопулос-Заскалаки. — Бу жараён давомида Афинада анчагина қурилиш ишлари олиб борилди. Янги метро станциялари, трамвай линиялари ва автомагистраллар очилади.

Ўйинлар давомида хавфсизликни таъминлаш учун 600 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратишни режалаштирган. Бу борада АҚШ, Буюк Британия, Исроил, Германия ва Франция сингари дунёнинг бир нечта мамлакатлари билан шартнома имзоланди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали

Сиз азизларни 2002 йил 3 ва 10 апрель кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги кимовиди ва биржа савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ижтимоий таъминот бўлими тасарруфидаги Фазалкент шаҳрида жойлашган «Радуга» кафеси.

Бошланғич баҳоси — 6 492 515 сўм.

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг 2002 йил 20 февралдаги № 14 (11402) сонидан босилган «Тошкент вилояти, Зангиота тумани, молия бўлимига тегишли ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 05-81 ТШБ бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 1 367 206 сўм эълони қуйидагича ўқилсин:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, молия бўлимига тегишли ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 05-81 ТШБ бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 263 700 сўм.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ тўланади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ҲЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кузатув кенгаши 2002 йил 2 апрелда соат 9.00да Янгийўл шаҳар маданият уйида (Самарқанд кўчаси, 190-уй)

«Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик мажлиси бўлишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 8.00дан бошланади.

Кун тартиби:

1. Дирекциянинг 2001 йилги молия-хўжалик яқунлари ҳақида ҳисобот.
2. Йиллик баланс ва 2001 йилги соф фойда ва зарарларни тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг 2001 йил учун ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
4. 2001 йил ишлаб чиқариш йили бўйича мустақил аудиторнинг ҳулосасини тасдиқлаш.
5. 2001 йил молия-хўжалик ишлари яқунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2002 йил учун мустақил аудиторини тасдиқлаш.



Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича туғилган саволларга акциядорлар қуйидаги манзил бўйича жавоб олишлари мумкин:
Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 352-уй, «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ. Тел. 2-63-02.

«Янгийўл ёғ-мой» ҲЖнинг 2002 йил январь ҳолатига

БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ

Актив	м.сўм	Пассив	м.сўм
1. Узоқ муддатли активлар	747022	1. Айланма маблағ манбалари	1072210
2. Айланма активлар	948291	2. Мажбурият	623103
БАЛАНС	1695313	БАЛАНС	1695313

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar




Энергия ҳосил қилишнинг муқобил технологияларини яратиш тобора долзарб тус касб этмоқда. Яқинда Канаданинг «Агримекс» компанияси, Россия—Америка «ГРУС» уюшмаси ва бир гуруҳ олимлар ўртасида шу хусусда йирик шартнома имзоланди. Шартнома 168 миллион доллар баҳоланди. У Канада билан Россияда мутлақо янги электр қуввати манбалари ишлаб чиқарилувчи иккита завод қурилишига сарфланади.

Қуддус икки давлатнинг пойтахти бўлиб қолиши мумкин. Фаластин-Исроил вакиллари Москвадаги музокаралар чоғида шу ҳақда сўз юритишди. Ҳозирги режаларга кўра Шарқий Қуддус — Фаластин давлатининг, Ғарбий Қуддус — Исроилнинг пойтахти бўлиб қолиши мумкин. Пировардида бу заминда халқаро қузатувчилар жойлаштирилиши ҳам кўзда тутилади.

Молдованинг Олий суд палатаси Христиан демократик халқ партияси Кишинёв марказида уюштирган норозилик чиқишларини ноқонуний деб эълон қилди.

Пойтахт маъмурларининг рухсатсиз бошланган бу чиқишларга ўқувчилар ҳам жалб қилинмоқда. Беш мингга яқин намоёнчи телеминорани ўраб олиб, митинг уюштирди.

Яқин кунларда АҚШ Ҳарбий маслаҳатчиларининг Тбилисига келиши кутилмоқда. Улар террорчиларга қарши курашувчи махсус ҳарбий бўлинмаларни тайёрлашга кўмаклашишади. АҚШ маъмурлари Панкис дарасида Афғонистондан қочган террорчилар паноҳ топганлигини таъкилламоқда.



ИШЛАРИ

УЛКАН ТЕЛЕФОН

Дунёдаги энг улкан телефон аппарати 1988 йилнинг 16 сентябрида Апелдорн шаҳри (Голландия)даги фестивал чоғида намоён этилган. «Сентрал Бехер» суғурта ширкатининг саксон йиллик тўйи муносабати билан ташкил этилган тантаналар чоғи кўз-кўз қилинган мазкур мосламанинг



баладлиги 2,74, узунлиги 6,06 метрга, оғирлиги эса 3,5 тоннага тенг бўлган. Узунлиги 7,14 метрли дастаги кўтарма кран воситасида жойидан кўзгатиладган.

Дунёдаги дастакли энг митти телефон аппарати эса, АҚШнинг Свиретт шаҳридаги «Женерал телефон энд электроникс» корхонаси ходими Жефф Смит томонидан 1988 йилда ясалган. Мазкур «миттивой»нинг ҳажми 10,48 x 1,9 x 3,81 сантиметрга тенгдир.

ЯҚИН ШАРҚ: ШАҲЗОДАНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Исроил билан Фаластин ўртасидаги зиддият кучайган бир шароитда Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш йўлида Саудия подшоҳлиги валиаҳди Абдулла бин Абдулазиз Ас-Сауд янги ташаббусни илгари сурди.

Бу минтақадаги тинчлик жараёнига бош қўшган давлатларни ҳам қизиқтириб қўйди. Куни кеча АҚШ президенти Жорж Буш ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашни маълум қилгач, айтиш мумкинки, минтақада барқарорлик ўрнатиш учун қулай давр бошланаётганига умид пайдо бўлди.

Оқ уй расмий вакили Ари Флайшернинг айтишича, Жорж Буш шаҳзода Абдулла билан телефон орқали гаплашиб, подшоҳлик илгари сураётган тинчлик ташаббусини қўллаб-қувватлашни таъкидлаган.

Кўпчиликни қизиқтириб қўйган бу ташаббус нимадан иборат? Шаҳзода Абдулла тақлифига кўра, Исроил давлат сифатида араб дунёси томонидан расман тан олинади. Бунинг эвазига Исроил 1967 йилда босиб олган ҳудудларни бутунлай тарк этади. Ушбу тақлиф Араб давлатлари лигасининг мартада Байрутда бўлиб ўтадиган саммитида ҳам кўриб чиқилиши керак.

Тақлифни кўп араб давлатлари қўллаб-қувватлаёттир. Шунингдек, у Европа Иттифоқи томонидан ижобий баҳоланди. Ҳатто, ЕИнинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий вакили Хавьер Солана Исроилга мўлжаллаган сафарини бошқа кунга қолдириб, шаҳзода билан ташаббусини батафсил муҳокама қилиш учун Жиддага йўл оладиган бўлди. Х.Солананинг айтишича, Исроил бош вазири ушбу масала юзасидан Саудия расмий вакиллари билан учрашишга тайёр эканлигини билдирган.

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес янги тақлиф бирор натижа беришига унчалик ишонқирамаётган эса-да, уни ҳар ҳолда илқ қарши олди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Яқин Шарқ можароси

бир-икки йиллик муаммо эмас. Минтақа бир неча ўн йилдан буён бекарор. Муаммони ҳал этиш учун бир қанча уринишлар, янги-янги режалар илгари сурилди. Бироқ, ташаббусларнинг бирортаси ҳам ялпи тинчликка олиб келмади.

Табиийки, шаҳзода Абдулланинг ташаббусига ишонқирамай қаровчилар ҳам топилади. Подшоҳликдаги оммавий ахборот воситалари бунга кўп эътибор бермоқда. «Ал-Ватан» газетаси, Исроил бош вазири шаҳзода Куддусга тақлиф этишига ҳали эрта, демоқда. Чунки, Куддусга ташриф ташаббус пайдо бўлганда эмас, анқ бир келишувга эришилгандан кейингина амалга оширилиши керак.

Кузатувчилар, нима бўлганда ҳам, Ар-Риёд ташаббуси Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича халқаро режанинг асоси бўлиши мумкин, деган тахминни айтмоқда. Бу гапда жон бор. Чунки аввалбошдан ҳам Яқин Шарқда тинчлик жараёни «ер эвазига тинчлик» тамойилига асосланган. Яъни, амалда араб мамлакатлари Исроилни давлат сифатида тан олиши ва у билан дипломатия муносабатлари ўрнатиши, бунинг эвазига эса Исроил араб ерларини тарк этиши керак. 17 ойдан буён давом этаётган интифода, қарийб ҳар куни амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари ва Исроил армиясининг кенг кўламли ҳарбий операциялари минтақада тинчлик жараёнини боши берк кўчага солиб қўйган эди. Ана шундай қалтис бир вазиятда Саудия Арабистони ўртага ташлаган тақлиф муаммони ҳал этишнинг ишончли йўли эканига умид уйғотаётгани билан аҳамиятлидир.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

АСАБНИНГ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ



Қонда холестериннинг камайиб кетиши хавфи борми? Америкалик шифокорлар бу саволга холестериннинг камайиши бир томондан атеросклероздан асраса, иккинчи томондан асаб бузилишига олиб келади демоқдалар. 50-80 ёшдаги мингдан ортиқ эркакларни текшириш шуни кўрсатдики, қон таркибида холестерини кам бўлган эркаклар баъзан ҳатто ўз жонларига қасд қилиши, ҳатто депрессия билан касалланишга олиб келар экан.

ЧУВАЛЧАНГГА ҚАРАБ...

Чувалчанг об-ҳавонинг ўзгаришини олдиндан билар экан. Улар қурғоқчилик бўлишини сезиб, ернинг тубига тушиб кетадилар. Сабаби чувалчанг қуруқ тупроқда нафас олмайди. Кучли ёмғир олдиндан эса, улар аксинча ер юзасига чиқиб оладилар. Бундай пайтларда шудгор, ўтлоқ ва йўлларда уларнинг ўрмалаб юрганини кўриш мумкин. Қаттиқ ёмғир ёғиши олдиндан чувалчанглар ташқарига чиқишга ҳаракат қиладилар. Балиқчилар шунга қараб ўзларини панага олишади.



ҒАЛАТИ ҚОНУН



Малайзияда турмуш ўртоғига хиёнат қилган аёлларни жазолаш ҳақида қонун бор. Хиёнат йўлига кирган аёл жуда ғалати усулда жазоланади. Агар аёл бу йўлга биринчи марта кирган бўлса, аввало унинг жазмани жазоланади, иккинчи марта эса, аёлнинг ўзи жазоланади. Учинчи сафар ҳам бу ҳол такрорланса, унинг турмуш ўртоғига жазо берилади.

(ҲАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«ФРАНЦУЗ РЕСПУБЛИКАСИНING РАМЗИ»

Франциялик киноактриса Летиция Каста она бўлди. Чақалоққа Сатин деган исм қўйилди. Летиция ўз фаолиятини топ-моделликдан бошлаган. У 1998 йили Канн кинофестивалидаги энг ёрқин намоёндалар қаторидан жой олди. Икки йил муқаддам эса Летициянинг қомати Франция шаҳарлари мэрлари томонидан «Француз республикасининг рамзи» — Марианна ҳайкали учун қолип бўлишга лойиқ деб топилди. Яқин орада Летициядан кўчириб олинган «Марианналар» Франция кўчаларида пайдо бўлади.



Турфа олам

Турфа олам

Экотуризм ва Буюк ипак йўли

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолди. Шу боис 2002 йил БМТ томонидан Халқаро экотуризм йили, деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас.

Бундан кўзланган мақсад экологик туризмни ривожлантириш, бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш, жаҳон цивилизациясининг бой табиий ва тарихий мероси ҳақидаги маълумотларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, янги экотуристлик йўналишлар ташкил қилиш ишларини янада

фаоллаштиришдан иборатдир. Пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасида "Экотуризм ва Буюк ипак йўли" мавзuida ўтказилган иккинчи халқаро анжуманда ҳам ана шу ҳақда гап борди. Уни "Экосан" халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколат-

Анжуман

хонаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамкорликда ташкил этди.

Анжуманда мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳлик алоқаларини кенгайтиришнинг муҳим йўналишлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, бу борадаги ишларни яхши йўлга қўйиш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Bolalik bog'i

ТОРІШМОҚЛАР

Tog'dan sachrab dur, marjon
Shodasi oqib kelar.

G'ayratidan o't chaqnaq,
Chiroqlar yoqib kelar.
U bilan cho'llar bo'ston,
Yurgan yo'li guliston.
O'simlikning qoni u,
Mo'l hosilning koni u.

- Qani, top-chi, Oysuluv?
- Topdim, topdim, bu-chi...



(lms)

Одатдаги иш кунларининг бирида ҳузуримга танишларимдан бири кириб келди.

Дунёнинг ишларидан сўзлашиб, гап бир оғайнимизга бориб тақалди. Мен у ҳақда илиқ фикрларни билдирдим. Шунда у:

- Э, сиз уни билмайсиз, у... - деб оғайнимизни бирпасда ёмонотлиққа чиқариб қўйди. У билан бахшлашиб ўтирмадим. «Хар кимнинг баҳси ўзи билан бирга», деб ўзимга тасалли бердим. Ваҳоланки, ўша ёмон отлик унга, оиласига жуда кўп яхшиликлар қилганини билардим. Орадан кўп ўтмай «ёмонотлик» оғайнимни учратиб қолдим. Чет-роқдаги чойхонага кириб анча суҳбатлашдик. Гап орасида уни ёмонлаган оғайнимни сўраб, «қўришиб турасизларми?» дедим.

- У менинг энг яқин дўстим. Учрашиб қолсак, доимо мен ҳақимда самимий гапларни гапирари, ўзим ўнғайсизланиб қоламан. Шундай дўстим борлигидан фахрланаман, - деди у завқ билан.

Мен тилимни тишладим, унга орамизда бўлиб ўтган гапни айтиш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Тилимга шеър келди:

*Хар қалай хушёрлик
ҳамиша керак,
Минг хилда турланиб турибди
олам.
Кўнглимга хавотир солади
баъзан,
Тилининг тагида тили
бор одам.*

*Яхшилик қўлингдан
учиб кетган қуш,
Ёмонлик - ўйланмай
босилган қадам.
Шу икки нарсани фарқлай
олмайди,
Тилининг тагида тили бор одам.
Бировнинг қаричин қаричлаб
бўлмас,
Сўз айтмоқ бу ҳолга
мушкулдир бу дам.
Тарози шайини ўрнида асли,
Тилининг тагида тили бор одам.*

Мен жуда кўп ўйлайман, одамзотга бундай ярамас одатлар қаердан келиб қўнади, қай-

Турмуш чорраҳаларида

Тилининг тагида тили бор одам аввало сизни ўзига мослаштириб яшайди, кўнглининг бир четидан сизни ушлаб туради. Бирон ишингиз, бирон муомалангиз ёки бирон ҳаракатингиз унга ёқмай қолдими, тамом, у дарров ўзгаради, энди у «буқаламун»га айланади-қўяди. Лекин, унинг сизга бўлган муносабатида қиёфаси ўзгармайди, кўнгли ўзгаради, холос. Сурат ўша, сийрат бошқа.

Б у энди

ўтказдик. Хар ким ўз ҳимматига қараб сармоя ажратишга ваъда берди. Айниқса, бир тадбиркор йигит сўзга чиқиб, чунонам гапирдики, ҳаммамиз «э, отангга раҳмат», деб юбордик. Орадан озгина вақт ўтгач, ваъда берган пулни сўраб, ўша йигитнинг олди-га бир фаолимиз кирибди. У нима дебди денг:

- Ха, энди, ўша кунни бошқаларни шу ишга қизиқтирай, деб айтдим-да. Ҳозирча пулим йўқ, бўлганда ўзим обориб бераман.

Шу ўртада пул йигиб, аввал қабристонни обод қилдик, маҳалладаги чойхонани таъмирлаб ишга туширдик. Халиги йигитнинг на ўзини, на ваъда қилган пулини кўрмадик. Э, ким билибди дейсиз, тилининг тагида тили борлигини...

Ватан битта сўзли, мард инсонлар билан қудратли! Эл эса, доимо тили билан дили бир инсонларни алқайди, хар бир қилган ишига тасанно айтади. Шаънингизга айтилган хар бир олқиш эса, сизни бало-қазолардан, бемаҳал ўлимдан,

куруқ тухматдан асрайди. Умр - ўткинчи дунё, дейишади. Мен буни бошқачароқ айтган бўлардим. Умр - бир-биримизга ганиматлик. Кўнглимизни қолдирадиган, дилимизни оғритадиган ва ўзимизни тескари қиладиган ёмон ишлардан ўзимизни тийишлиқдир! Ҳаммамизга битта тил берилган, унинг меваси гоҳ аччиқ, гоҳ ширин бўлмасин, шу тилда гапирганимиз маъқул.

Ҳамид НОРҚУЛ.

ТИЛИНИНГ ТАГИДА ИЛИ БОР ОДАМ



си ҳолат уни шундай йўл тутишга мажбур қилади?

Мумтоз ёзувчилардан бири бундай одамларни «буқаламун» деб атаган экан. Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан шу сўзнинг маъносини қидирдим. Буқаламун - ўзгарувчан, бирдек турмайдиган дегани экан. Саволнинг тагидан савол қидирсангиз, савол чиқаверади, ана энди инсонни ўзгарувчанликка, бирдек турмасликка ундаган нарсани қидириб кўрайлик.

оддий воқеа, одамларимиз орасида учраб турадиган ҳодисалардан бири. Лекин, мени тилининг тагида тили борларнинг эл-юртга, Ватанга бўлган муносабати кўпроқ қизиқтиради. Маҳалладан бошланади Ватан, деймиз. Катта бир маҳалла оқсоқолларидан бири менга шундай воқеани айтиб берди:

- Нима бўлдию, маҳаллани ободонлаштириш учун шу ердаги ишбилармон, тадбиркор ва кўзга кўринган кишиларни тўплаб, кичикроқ йиғилиш

куруқ тухматдан асрайди. Умр - ўткинчи дунё, дейишади. Мен буни бошқачароқ айтган бўлардим. Умр - бир-биримизга ганиматлик. Кўнглимизни қолдирадиган, дилимизни оғритадиган ва ўзимизни тескари қиладиган ёмон ишлардан ўзимизни тийишлиқдир! Ҳаммамизга битта тил берилган, унинг меваси гоҳ аччиқ, гоҳ ширин бўлмасин, шу тилда гапирганимиз маъқул.

Ҳамид НОРҚУЛ.

Тарихимизга оид китоблар тақдироти

Темурийлар тарихи давлат музейида Фанлар академияси Тарих институтининг кейинги йилларда нашр этган китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

Фанлар академияси президенти Б. Йўлдошев тадбирни очар экан, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Тарих институти томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ мазкур илм даргоҳи мамлакатимизда тарих соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи илмий марказ макомини олди.

Сўнгги икки йил мобайнида институт жамоаси томонидан 19та монография, 19та илмий, илмий-оммабоп рисола ва дарслик яратилди. "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари", "Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар", "Қадимги Нахшаб" сингари монографиялар шулар жумласидандир.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири.

Тошкент вилояти Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Исломов Қодиржон Тоировичга берилган № 4058 сонли ордер йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамасининг матбуот бошқармаси жамоаси бошқарма кенгаши аъзоси, Бўка туман босмахонаси муҳандис-устаси Абдумалик Акмаловга падари бузруқвори
Абдумажид АКМАЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгросуғурта» ДАСК Тошкент вилоят дирекцияси «Ўзгросуғурта» ДАСК Янгийўл тумани бўлими мудири
МИРЗАРАХИМ АКА МИРЗАҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



Кулганга НИМА етсин!

- Муш-лашишдан келган фойдани кўрдингми, - деди ота ўғлига. - Кийимларингга қараб бўлмайди. Энди сенга янги кийим сотиб олишим керак.
- Хафа бўлманг, дада, Холиқвойнинг аҳолини бир кўрсангиз эди, - деди ўғил. - Унинг отаси ўзига бошқа ўғил сотиб олса ажабмас.
- Илтимос, мени кузатиб овора бўлманг, ўзим кетавераман, - деди меҳмон хикоят бўлиб.
- Нега унақа дейсиз, менга меҳмонни кузатиб қўйиш ҳузур бағишлайди, - деди мез-бон.
- Сизнинг ҳам бод касалингиз борми?
- Йўқ, куёвим курортлар бошқармасида ишлайди.

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

- Энг доно ким?
Айтди:
- Ҳаёт қийинчиликларидан ғамгин бўлмаган киши.
Сўрадилар:
- Энг яхши бойлик нима?
Айтди:
- Ақл.
Сўрадилар:
- Қайси ўт ўз ёқувчисини куйдиради?
Айтди:
- Ҳасад ўти.
Сўрадилар:
- Қандай бино вайрон бўлмайди?
Айтди:
- Адолат биноси.
Сўрадилар:
- Қайси аччиқ нарсанинг сўнги ширин?
Айтди:
- Сабрнинг.

Донолар бисотидан

Сўрадилар:
- Қайси нарсанинг охири аччиқ?
Айтди:
- Шошқалоқлик.
Сўрадилар:
- Қайси дард бедаво?
Айтди:
- Тентақлик.
* Бир донишманднинг айтишича, мазаҳ ва ҳақорат иродали одамга таъсир этмайди. Аммо бўш ва иродасиз кишиларни ҳалок қилади. Сукрот комедия ёзиб, мазаҳ қилганларга кулги билан азоб берди. Плиагр эса, ўзини осди...
* Ўзгаларнинг мусибатидан шодланмаслик керак. Чунки, замон ўтиши билан ўша мусибатдан кулган кишининг ҳам бошига мусибат тушиши мумкин.
* Оқил киши жоҳил билан, хушёр киши маст билан асло тортишмайди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Баш муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳриратини компьютер
марказида тарғиб ва
сахифалонди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
дилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.